

Моҳира ЖУМАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ўқитувчиси

“РАҲБАРИ НАЖОТ” АСАРИДА ИЛМ ОЛИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ МАСАЛАСИ

Жадид намояндалари орасида ўзининг ноёб истеъдоди ва ўзига хос фалсафий мушоҳадалари билан ўчмас из қолдира олган ватандошимиз Абдурауф Фитрат ўз асарларида таълим-тарбия, илм олиш афзаллиги, илм инсонларни даврнинг кўплаб муаммоларидан халос этувчи куч эканлигини кўп бора таъкидлаб ўтган. Унинг мулоҳазалари нечоғли тўғри ва аниқлиги бугунги кун илм вакиллари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бунга Фитрат ижодининг ҳар томонлама тадқиқ этилаётгани ҳам исбот бўла олади.

Фитрат “Раҳбари нажот” асарида жамиятга мурожаат қилар экан, мана шу жамиятда юзага келаётган барча иллатларнинг туб замири илм-маърифатнинг етишмаслиги эканлиги, бу муаммо, кейинчалик яна бошқа масалаларнинг келиб чиқишига пойдевор бўлаётганини таъкидлаб, муаммонинг сабаб ва оқибатларини батафсил таҳлил қилади. Мазкур масалаларни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан мисол келтирган ҳолда тадқиқ этади. Жумладан, “Раҳбари нажот” асарининг кириш қисмида Фитрат қуйидаги мулоҳазаларни ўртага ташлайди: “Ҳаётнинг

(яккама-якка) кураш майдонида ва жаҳон халқлари орасида ислом оламининг фарсах-фарсах орқада қолганлигини баён қилишга эҳтиёж йўқдир. Биз туркистонликлар эса бошқа исломий жамиятларга нисбатан дунёи жаҳон паришонликка тушиб, йўлимиздан адашганмиз. Ажабо, бу паришонлиkning сабаби недир?

Туркистонликларнинг аксарияти бу саволга жавоб беришда икки тоифага бўлинадилар. Миллат ва ватанлари учун қайғурган бир тоифа бу паришонликни илмсизлик ва танбаллик оқибати деб билади. Ҳақиқатан ҳам, тушқунлик ва хароблигимизнинг сабабларидан бири илмсизлик ва ҳаракатсизликдир. Лекин буларнинг ҳам асл сабаби, ана ўша тушқунлигимиз туфайлидир. Ажабо, бу сабаб нима экан?”¹

Фитрат ёзади: “Бир вақтлар мамлакатимиз маданият куёшининг мабдаи, маърифат дарёсининг манбаи сифатида танилган эди. Форобийлар, Бухорийлар, Абу Али ибн Синолар, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон саҳнасига чиқарган эдилар. Бизнинг мам-

¹ Фитрат. Раҳбари нажот. Т.: Маънавият., 2000. 2-бет.

лакатимиз минглаб машхур олимларни чор-атрофга етказиб бериб, қўшнилари-нинг ҳам шарафини овоза қилиб, дунёга таратган эди. Саноатимиз шу даражада эдики, халифалар шунча азимат ва шавкатли бўлишларига қарамай, либос, кийим-кечақларини бизнинг мамлакатимиздан олиб кетардилар.

Ажабо, бу меросу саодатнинг баланд чўққисидан қандай қилиб тушиб қолдик? Бу хусусда ўзимизнинг уламоларимиздан сўрасак, «кулли явмин бадтар», «бу хоҳиши илоҳий» ва «қиёмат яқиндир» деган гаплардан бошқасини айтмайдилар. Лекин Қуръони каримга мурожаат қилсак, тўғри, яхши жавобга юзма-юз қилиб, бизга уни кўрсатиб қўяди. Агар шунга ҳам қаноат қилмасак, унда мана жавоби: сабаб шуки, ўтган қавмларнинг бошларига азоб юборилди. (Негаки) ҳар қавм солиҳ амалларини ёмон одатларга алиштирар экан, Аллоҳ ўз неъматларини улардан тортиб олиб, ўрнига азоб юборар»².

Абдурауф Фитратнинг деярли барча масалаларга жавоби Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан олинган. Бугунги кун назари билан қарасак, алломанинг бу ҳаракатлари замирида нафақат ижтимоий муаммоларни ечиш, балки халқнинг диний билимларини ҳам тўғри йўналтиришга, уларнинг нотўғри ва фундаментал – догматик қарашлардан йироқлашишга ундовчи мулоҳазаларини ҳам англаш мумкин.

“Фитрат илмларни тадқиқ қилар экан, “Раҳбари нажот”да қуйидаги хулосаларга келади. 1. Илм таҳсили мусулмонлар учун шаръан ва ақлан лозимдир. 2. Илмлар турлари жуда кўпдир, уларнинг фақат ўзимизга фойдали бўлганларинигина таҳлил этишимиз керак. Илмсиз саодатга етиш мумкин эмас, ҳар бир инсон бу илмларнинг маълум соҳаларини ўрганиши шарт, чунки бутун

илмларни эгаллаш учун бир инсон умри етмайди”³.

Мазкур фикрлар орқали шуни таъкидлаш мумкинки, Фитрат илмни шунчаки эмас, балки теран ўрганиш ва илмларни турларга кўра бир-биридан фарқлай билишга ундаган. Чунки инсон ўзи ўрганаётган илмининг моҳиятини тўғри тушунсагина бу илм унга фақат фойда бериши мумкин. Шу ўринда ислом дини ва илми масаласини ҳам аллома чуқур таҳлил этиб, яқдил хулосалар берган.

Ислом дини инсон манфаатларини ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни ҳамиша юксак кадрлаган, қўллаб-қувватлаган. Аммо ақидапарастлар исломнинг ички диний барқарорлик ва яқдилликни таъминлашга хизмат қиладиган ўзгармас диний арконларига қўшимчалар қўшишга қаратилган янгиликни рад этадиган тамойилини ғаразли мақсадларда талқин қилиб, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётни ҳам, унга хизмат қиладиган илм-фан кашфиётларини ҳам бидъат деб баҳолайдилар. Хусусан, уларнинг фикрича, бугунги илм-фан тараққиётининг ютуқлари бўлган радио, телевидение, театр, компьютер технологиялари бидъат, улардан фойдаланиш эса гуноҳ ҳисобланади. Ақидапарастларнинг иддаоларига кўра, хотин-қизларнинг илм олиши шарт эмас, уларнинг жамият ишларидаги фаолияти эса ҳаром саналади.

Жиддий эътибор берилса, уларнинг илм-фан янгиликларини инкор қилиши ортида исломнинг ўзгармас тамойилларини рад этиш мақсади ётганини англаш қийин эмас. Шу билан бирга, бундай қарашлар мутаассиб кучлар ғояларининг асоссизлигини,

² Ўша асар. 157-бет.

³ Ш.О.Мадаева. “Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Т.: 1996. Б. 103.

улар олиб бораётган ҳаракатларнинг ғайри-исломий моҳиятини очиб ташлашга хизмат қиладиган манбаларни “бидъат”га чиқаришга интилишаётганини кўрсатади.

Ислом таълимотида илмнинг юксак кадрланиши ва ундан бошқа нажот йўқ эканини Қуръон оятлари, ҳадислар ва улаомларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Хотин-қизларнинг илм олиши тўғрисида Фитрат “Оила” асарида яқдил фикр ва мулоҳазаларни ёритган. Бу масала ҳозирда ҳам атрофлича ўрганилмоқда, жумладан, аёлларнинг илм олиши ва фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида янги қонунлар имзоланди ва амалга татбиқ этилди.

Фитрат “Раҳбари нажот” асарида виждон ва инсоф тушунчаларини ҳам таҳлил этади. Виждон ўзининг хусусиятларига қараб бир неча турларга бўлинишини айтиб, ҳар бирини алоҳида таҳлил этишга ҳаракат қилади.

“Виждон амри нимада? Бу – кишиларнинг ўзларига юкланган вазифа ва мажбуриятларини замон ва ўринга қарамай виждонан ва сидқидилдан бажаришларидир. Виждон амри вазифалари ичида ахлоқий вазифалар муҳимдир. Ахлоқ вазифаларини уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Вазойифи нафсия.
2. Вазойифи оила.
3. Вазойифи инсония.

Бу уч қисм бир-бири билан шу қадар боғлиқки, бирига ҳалал етса, бошқасида ҳам қусур намоён бўлади. Бу учала қисмни китобимизда бир-бир баён этамиз”⁴.

Фитрат виждонни инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини бошқариб, бир маромда ушлаб туришга ёрдам берувчи, ҳар бир вазифаларини тўғри бажаришга ундовчи куч дея таърифлайди.

Натижа:

1. Аллоҳ бизни барча махлуқлар каби бошқа жинслар манфаати учун эмас, балки икки дунё саодатига етишиш учун халқ қилган.

2. Дунё саодатини охираат учун, охираат саодатини бу дунё учун тарк этиш нотўғридир, бизга икки жаҳон саодати даркор.

3. Икки жаҳон саодатини эса саъй-ҳаракат билангина топиш мумкин.

4. Саъй-ҳаракатсиз дуодан фойда йўқдир.

5. Авлиёлардан мақсад раво бўлишини тилаш фойдасизлигидан ташқари яна гуноҳ ҳамдир⁵.

Мазкур натижаларни таҳлил этсак, ҳар бири, аввало, инсонни бахт ва саодатга етаклашни мақсад қилганини кузатишимиз мумкин.

Бугунги кунда биз айнан илмсизлик ва диний саводнинг озлиги туфайли кўплаб муаммо ва хатоликларга дуч келмоқдамиз. “Оммавий маданият”, диний экстремизм ва терроризм, ақидапарастлик, турли хил вайронкор ғояларга алданаётган инсонларнинг асосий қисми ҳам айнан илмни аниқ йўналтирмаганлиги, диний ва дунёвий илмларни саёз ўрганиши ёки нотўғри талқинларга йўл қўйиши орқали келиб чиқади.

Инсоният оламининг бахти ва саодати унинг илми салмоғи билан ўлчанса, олган илмимиз фақат бунёдкорлик учун хизмат қилса, бугунги муаммоларга бемалол жавоб бера олардик ҳамда эл-юрт равнақи учун янада ёниб яшашга туртки бўлар эдик. Бу ўринда Абдурауф Фитратнинг қарашларидан ҳам тўғри фойдалана олсак илмимизнинг янада бойишига хизмат қилган бўлар эди, албатта.

⁴ Фитрат. Раҳбари нажот . Т.: Маънавият., 2000. Б. 155.

⁵ Ўша асар. 155-бет.